www.ishonch.uz
ishonch1991@yandex.uz
https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi
https://t.me/ishonchgz

Офарин, Нодирбек!

Ҳамюртимиз Нодирбек Абдусатторов «ТАТА Стеэл Чесс 2023» халқаро турнирида жаҳон чемпиони Магнус Карлсенни қора доналарда мағлуб этиб, турнир пешқадамига айланди!

Энди суратга диққат билан эътибор беринг: Нодирбек хотиржам ўтирибди, жаҳон чемпиони Магнус Карлсен эса бошини шахмат доскасидан кўтаролмай жони ҳалак!

Нодирбек, баракалла! Сендан кейинги ўйинларда ҳам шундай ҳолатларни кутиб қоламиз.

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Ishonch

2023-yil
21-yanvar
shanba
№ 10 (4762)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

КУН НАФАСИ

ТАЪЛИМДАГИ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев мактабларда хорижий тиллар ва касб ўргатиш тизимини ривожлантириш масалалари бўйича кенгайтирилган йиғилиш ўтказди.

ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 20 январида «2023-2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.

ТОЖИКИСТОНДАН ҚЎШИМЧА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ

Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида қўшни Тожикистондан Сурхондарёга қўшимча электр энергияси етказиб бериш йўлга қўйилди. Бу ҳақда «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ вилоят филиали матбуот хизмати хабар бермоқда.

ҚАТАР ЭЛЧИСИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Бахтиёр Саидов Қатар элчиси Ҳасан Ҳамза Ҳошимни қабул қилди. «Дунё» ахборот агентлигининг хабар беришича, музокараларда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги Ўзбекистон – Қатар муносабатларининг ҳолати ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинган.

ЛОУКОСТЕР ФОРМАТИДАГИ ЯНГИ АВИАКОМПАНИЯ

18 январь куни Тошкент халқаро аэропортида лоукостер форматида фаолият юритадиган янги Centrum Air авиакомпаниясининг тақдимоти бўлиб ўтди. Арзон нархлардаги хизмат кўрсатишни йўлга қўйган янги компания ҳозирча 180 кишига мўлжалланган бешта Boeing 737 ва A320 самолётларида хорижий ва маҳаллий авиапарвозларни амалга оширади.

ТОҚАЕВ ПУТИН БИЛАН ТЕЛЕФОНЛАШДИ

20 январь куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Россия Федерацияси раҳбари Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди. «Ақорда»нинг хабар беришича, суҳбат чоғида Қозоғистон – Россия стратегик шериклигининг долзарб масалалари муҳокама қилинган. Томонлар савдо-иқтисодий, энергетика ва бошқа соҳалардаги алоқани ривожлантириш муҳимлигини таъкидлаган.

АҲОЛИГА 675 МИЛЛИОН ЕВРО КОМПЕНСАЦИЯ

Австрия ҳукумати мамлакат аҳолисининг коммунал харажатлари учун 675 миллион евро компенсация тўлашга қарор қилди. Субсидиянинг ўртача миқдори 80 еврони ташкил этади. Австрия Республикаси федерал канцлери Карл Нехаммер ўзининг ижтимоий тармоқдаги саҳифасида таъкидлашича, бу иш уй хўжаликлари ва компанияларга бўлаётган улкан босимларни камайтириш мақсадида амалга оширилмоқда.

НАЗАРБОЕВНИНГ ЮРАГИ ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИНДИ

Қозоғистон собиқ президенти Нурсултон Назарбоевнинг юраги операция қилинди. Назарбоевнинг матбуот котиби Айдос Укибай ижтимоий тармоқда маълум қилишича, операция муваффақиятли якунланган. Қозоғистоннинг биринчи президентининг ҳаётига ҳеч қандай таҳдид йўқ. Ҳозир у кузатув остида.

Сирдарё вилояти

«Янги Сирдарё» ва «Новая Сырдарья» газеталари бош муҳаррири Муҳаммад Исмоилнинг хабар беришича, кеча Сирдарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Акмалжон Маҳмудалиев Гулистон шаҳридаги ўндан зиёд ижтимоий соҳа объектлари фаолияти билан танишув чоғида таҳририят биносида ҳам бўлган.

Матбуот

30 ЙИЛ КУТИЛГАН ТАШРИФ

Сирдарё вилояти раҳбари газеталар таҳририятида бўлди

Вилоятдаги ягона матбуот уйи ҳисобланадиган мазкур бино абгор ҳолатда бўлиб, ижодкорлар учун шароит ҳаминқадар бўлган. Хусусан, иситиш тизими ишламаган, ёғингарчилик вақтида томидан чакки ўтиб турган. Мебеллар эски, моддий-техника базаси ночор аҳволда.

– 30 йилдан ошиқ вақт ичида бирор ҳоким вилоят ҳокимлиги муассислигидаги таҳририят эшигига бош суқмаган экан, – дейди «Янги Сирдарё» ва «Новая Сырдарья» газеталари бош муҳаррири Муҳаммад Исмоил. – Мана, кеча Сирдарё вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Акмалжон Маҳмудалиев таҳририятдан хабар олди. Буни матбуот аҳли ниҳоятда катта мамнуният билан қарши олди. Бу йил ҳисобидан ҳали нашр этолмаётган газеталаримиз эртасига умид уйғонди.

Маълумот учун: бу йил «Янги Сирдарё» ва «Новая Сырдарья» газеталари ташкил этилганига 60 йил тўлади. Аммо газеталарнинг 2023 йилдаги сонлари ҳали нашр этилмаган. Буни таҳририят ходимлари обуна камлиги билан изоҳламоқда. Вилоятда 850 минг аҳоли истиқомат қилади. Айни вақтгача вилоят газетасига 500 киши обуна бўлган.

Ўз мухбиримиз

3

Азиз газетхонлар! Сизга «Ishonch» газетаси ўз вақтида етиб боряптими? Бу борада муаммолар бўлса, телеграмдаги «Муштарий минбари» каналига – t.me/ishonchmurojaat манзили орқали мурожаат қилинг. Сизнинг ишончингиз – биз учун муҳим!

Пиёзнинг нархи нега ошмоқда?

Шарҳ

Шу кунларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ичида энг арзони ҳисобланган пиёзнинг нархи кескин даражада ошиб кетди. Жумладан, Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорларида пиёзнинг улгуржи нархи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4 баробарга қимматлашган.

Куни кеча берилган хабарларга кўра, 2023 йил 1 январдан бошлаб, Ўзбекистонда 4 ойга пиёз экспортига вақтинча чеклов жорий этилди.

Ушбу қарор ички истеъмол бозори нархини арзонлаштириш, аҳолининг истеъмол талабини қондириш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Бугунги кунда ҳудудларда жами 319 минг тонна пиёз маҳсулоти борлиги тасдиқланмоқда. Бу эса жойларда пиёз захираси мавжудлигини кўрсатади.

Мутахассисларнинг таҳлилларига кўра, аҳоли истеъмоли талаби доирасида мавжуд захирага қўшимча 26,5 минг тонна пиёз кераклигини кўрсатмоқда. Ушбу маҳсулотларни импорт қилиш бўйича хорижий давлатлардаги соҳавий ҳамкорлар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу фақатгина Ўзбекистонга тегишли ҳолат эмас. У дунёнинг барча минтақаларига хос хусусиятга айланиб улгурди.

Бир қанча омиллар пиёз қимматлашишда давом этишига туртки бериши мумкин. 10 январдан бошлаб Марказий Осиё мамлакатларида аномал совуқ кузатилмоқда. Хусусан, сўнгги бир неча кун ичида ҳавонинг паст ҳарорати Ўзбекистондаги сабзавотлар нархларида ўз аксини топди. Жумладан, пиёз нархлари ҳам кескин ошди. «EastFruit» таҳлилчиларининг прогнозларига кўра, яқин кунларда ҳаво ҳароратининг аста-секин кўтарилиши кутилаётган бўлса-да, пиёз нархлари қимматлашишда давом этиши мумкин.

Пиёз нархи кўтарилиши бир неча омилларга боғлиқ.

Биринчидан, Қозоғистоннинг Ташқи савдо сиёсати ва иқтисодий ташкилотлардаги иштироки бўйича идоралараро комиссияси 3 ой муддатга пиёз экспортини тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор Қозоғистондан пиёз оммавий экспорт қилинишининг олдини олиш ва унинг нархини мамлакат ички бозорида барқарорлаштириш билан изоҳланмоқда.

Қозоғистон Миллий статистика бюроси маълумотларига кўра, 2022 йили мамлакатда пиёз ҳосили 1,1 миллион тоннани ташкил этган, ички истеъмол ҳажми тахминан 315 минг тоннани ташкил этади, яъни етиштирилган умумий ҳосил ҳажмидан деярли 3,5 баробар кам.

Ҳозир Қозоғистонда тасдиқланган пиёз захиралари 152,4 минг тоннани ёки ўтган йилги ҳосилнинг атиги 14 фоизини ташкил этмоқда. Бу ҳажмлар янги ҳосил олингунига қадар етарли, шу боис жорий этилган экспорт чекловлари қолган барча пиёзни Қозоғистондан экспорт қилиш эҳтимолини йўққа чиқаради.

Иккинчидан, нарх кўтарилиши Осиё ва жаҳондаги энг йирик пиёз етиштирувчилардан бири бўлмиш Покистондаги табиий офатлар билан боғлиқ. Бу мамлакатдаги сув тошқинлари жаҳон миқёсида, жумладан, республикамиз бозорида ҳам пиёз нархи ошишига олиб келган.

Учинчидан, 2022 йили Европа Иттифоқи мамлакатларида, биринчи навбатда, пиёзнинг жаҳондаги асосий экспортёри саналмиш Нидерландияда ҳам қурғоқчилик кузатилгани сабабли ёздаёқ маҳсулот нархи кўтарила бошлаган.

Тўртинчидан, Украина омили. Украина ҳар йили 20 минг тоннага яқин сархил пиёз экспорт қилар ва баъзи мавсумларда ушбу мамлакатдан пиёз экспорти ҳатто 50 минг тоннадан ошар эди. Бироқ Украина ҳудудидаги жанговар ҳаракатлар сабабли мамлакатнинг жанубий вилоятларида пиёз етиштириш кескин камайди ва фермерлар у ерда етиштиришга муваффақ бўлган пиёзни ҳам Украинанинг бошқа минтақаларига, айниқса, Европа Иттифоқи мамлакатларига етказиб беришнинг иложи бўлмади. Шу сабабли Украина ҳеч кутилмаганда пиёзнинг асосий импортёрига айланди ва ушбу маҳсулотни Польша, Руминия, Молдова, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркиядан сотиб олди. Бу ҳам бутун минтақада пиёз нархи ўсишига туртки бўлди. Шу маънода нархлар бу қадар баландлагани ажабланарли эмас.

Жаҳон иқтисодчилари ҳали пиёз бозорида пайдо бўлган бўшлиқни қандай тўлдириш мумкинлигига аниқлик кирита олишмади. Кўриб турганимиздек, пиёз экспорт қилувчи давлатларнинг ўзлари ҳам тақчиллик остонасида қолган. Шу маънода, Европа, Марказий Осиё ва Кавказда келгуси ойларда пиёз нархи янада ўсиши эҳтимоли юқори. Демакки, бу мавсумда янги нарх рекордларига гувоҳ бўлсак, ажабмас.

Абдулла АБДУЛБОҚИЕВ

Сурхондарё вилояти

Таҳлил

Ҳар доим ёнингиздамиз

Абдукарим АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси

Касаба уюшмалари ишчи-ходимларга эзгулик улашадиган, кўмак берадиган, вақти келганда, суяйдиган, адолат бузилса, уни тиклашга, кимдир ноҳақ жабр кўрса, унга суянч бўлишга бел боғлаган соҳадир.
Кейинги йилларда соҳа ҳақиқий халқ ташкилотига айланди. Фикримизнинг исботини 2022 йилда Сурхондарё вилоятида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ҳукумат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида тузилган Бош келишув асосида вилоятда 2020-2022 йиллар учун битта Минтақавий келишув, 15 та ҳудудий келишув, корхона ва ташкилотларда 7796 та жамоа шартномаси тузилиб, 318600 нафар ишчи-ходимнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси таъминланди. Жамоа шартномаларига ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтирувчи меъёрлар, иш ҳақи миқдорини оширишни назарда тутувчи бандлар, иш ва дам олиш вақти соҳасида қўшимча имтиёзлар, ижтимоий ҳимояни кенгайтириш чоралари киритилиши натижасида уларни бажариш учун вилоят бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга йил давомида сарфланган маблағ 3 миллион 700 минг сўмни ташкил этмоқда. Амалдаги жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 5800 нафар ходимга 2,7 миллиард сўмлик ижтимоий кўмак берилди.

Тизим вакиллари тобора халқ ичига кириб бормоқда. Буни ўтган йил давомида 520 дан ортиқ бошланғич касаба уюшма ташкилотига ташриф буюрилиб, амалий ёрдам кўрсатилганидан ҳам билиш мумкин. Шу вақт оралиғида нодавлат сектордаги 879 та корхона ва ташкилотда фаолият юритадиган 10022 нафар ишчи-ходим касаба уюшмалари аъзолигига қабул қилинди. Шунингдек, 20 нафардан ортиқ ишчи-ходим фаолият юритаётган, ҳозирга қадар тизимга жалб этилмаган 273 та корхонада касаба уюшмалари тузилди.

Касаба уюшмалари ташаббуси ва ҳамкорлигида йил давомида вилоятда 182 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиб, уларда 3000 нафар фуқарога ишга жойлашиши учун йўлланмалар, 6608 нафар кишига ишга жойлашиш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Йил якунларига кўра, иш ҳақидан қарздорлиги бўлган корхоналардан ишчи-ходимларнинг 1 миллиард 265 миллион сўмлик маошлари ундирилишига эришилди.

Тизим аъзолари – ишчи-ходимлар, уларнинг оиласи манфаатларини таъминлаш ҳам доимий эътибордаги масалалардан биридир. Бу жабҳада бажарилаётган ишлар кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Ўтган йили шу мақсадда аъзолик бадаллари ҳисобидан 2062 та, ижтимоий суғурта маблағларидан 2083 та, жами 4115 дона йўлланма ажратилди. Шунингдек, халқ таълими аълочиларини рағбатлантириш учун 436 дона йўлланма бепул тарқатилди. Йил мобайнида 1983 нафар ишчи-ходимнинг маданий дам олишини таъминлаш учун Тошкент, Хива, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига, шунингдек, 9450 нафарининг вилоятдаги диққатга сазовор жойларга саёҳатлари уюштирилди. Шу жумладан, «Аёллар дафтари»нинг 3-босқичига киритилган 3200 нафар хотин-қизлар ҳамда 75 та нотинч, 86 та кам таъминланган оила вакилларининг ҳам юртимизнинг турли гўшаларига саёҳати ташкил этилди.

Ёз мавсумида мавжуд стационар ва мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳларда 19489 нафар болажон дам олишига шароит яратилди. Уларнинг 1053 нафари кам таъминланган оила фарзандлари бўлгани боис бепул йўлланма берилди. Мавсумда Қорақалпоғистон Республикасидан келган 100 нафар болажон «Бешбулоқ – Сурхон – Шеробод» оромгоҳида мазмунли ҳордиқ чиқарди.

Ёшларни соҳага кенг жалб этиш борасида ҳам бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 220 дан ортиқ анжуман – давра суҳбати, викторина ва интеллектуал танловлар ўтказилиб, уларда ёшларнинг иштирокига алоҳида эътибор қаратилди. Олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иқтидорли талабалар ҳам доимий эътиборда. Шу мақсадда таъсис этилган Касаба уюшмалари стипендияси ўтган йили Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институтининг 3-босқич талабаси Гулбодом Қорашеровага насиб этди. Термиз давлат университетининг 2-босқич талабаси Маъруф Худойбергановга «Термиз марвариди» санаторийсига бепул йўлланма ажратилди. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда она юртга садоқат, фидойилик, дахлдорлик туйғуларини янада мустаҳкамлашга доир ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларининг 9-11-синф ўқувчилари ўртасида «Ёш китобхон» кўрик-танлови ўтказилди. Шунингдек, 6 та олий ўқув юртида раҳбар ва ёшлар учрашуви ташкил этилди.

Касаба уюшмалари ташаббуси ва ҳамкорлигида йил давомида вилоятда 182 та бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилиб, уларда 3000 НАФАР фуқарога ишга жойлашиши учун йўлланмалар, 6608 НАФАР кишига ишга жойлашиш бўйича ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Касаба уюшмалари бир қатор ташкилотлар билан биргаликда «Аёллар дафтари» бўйича фаол иш олиб бораётганини бугун барча яхши билади. Энг муҳими, ушбу тизим орқали хотин-қизлар муаммолари ҳал этишнинг бутунлай янги тартиби жорий қилинди. Сурхондарё вилоятида ҳам мазкур эзгу ишлар самараси ўлароқ кўплаб оилаларга нур кирмоқда. Ўтган йили «Аёллар дафтари»нинг 3-босқичида 41098 нафар хотин-қизнинг муаммолари ижобий ҳал этилди. Жумладан, боқувчисини йўқотган, эҳтиёжманд, ижтимоий кўмакка муҳтож, қарамоғида бир ва ундан ортиқ ногирон фарзанди бўлган ҳамда ёлғиз оналарга 17,8 миллиард сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Уй-жойга муҳтож бўлган аёлларнинг тураржойлари учун 302 миллион сўмлик ижара компенсация тўловлари тўлаб берилди. Янги уй-жойлар қуриб бериш учун 9,9 миллиард сўм маблағ сарфланди. 6159 нафар аёллар ва уларнинг фарзандлари соғлиғини тиклаш учун 5,3 миллиард сўмлик беминнат тиббий хизматлар кўрсатилиб, 2008 нафарига ҳуқуқий, 1051 нафарига эса психологик маслаҳатлар берилди.

«Аёллар дафтари»нинг 3-босқичи якунларига кўра, «Энг яхши сектор раҳбари» танловининг республика босқичида ғолиб бўлган Сариосиё тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, 3-сектор раҳбари Муҳиддин Омонтўраев Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Спарк» автомашинаси билан тақдирланди. Бундан ташқари, «Энг яхши маҳалла раиси», «Энг намунали аёл иш берувчи» ҳамда «Касаба уюшмалари Федерацияси лауреати» танловларининг республика босқичида 1-, 2-, 3-ўринларни қўлга киритган вилоят вакилларининг ҳар бири 30 миллион сўмдан пул билан рағбатлантирилди.

Ўтган йилда касаба уюшмалари тизимида кооперация усулида тадбиркорлик тажрибасини оммалаштириш мақсадида 58 та лойиҳа ишлаб чиқилиб, уларнинг 53 таси ишга туширилди. Натижада 5478 нафар аҳоли, шундан 3898 нафар хотин-қиз кооперация асосида иш билан таъминланди.

Ўтган йилда касаба уюшмалари тизимида кооперация усулида тадбиркорлик тажрибасини оммалаштириш мақсадида 58 ТА лойиҳа ишлаб чиқилиб, уларнинг 53 ТАСИ ишга туширилди. Натижада 5478 НАФАР аҳоли, шундан 3898 НАФАР хотин-қиз кооперация асосида иш билан таъминланди.

Ҳа, ушбу ҳаётбахш ҳаракат туфайли жамиятнинг оғриқли муаммоларидан бирини енгиллаштиришга муваффақ бўлинмоқда. Энг муҳими, ушбу ташаббус ортидан минглаб опа-сингилларимиз турмушини ўнглаб олишига, ўзларини жамиятга кераклиги англашига эришилмоқда. Менинг наздимда, бу ниҳоятда муҳим ва инсонпарвар туйғудир. Бу жараёнда касаба уюшмаларининг фаол ҳиссаси борлиги эса бизни янада руҳлантиради. Қолаверса, бугун тизимдан мадад олган минглаб кишилар ўз миннатдорликларини билдириб турадики, бу изҳорлардан биз янада шижоатга тўлаверамиз.

Шу ўринда вилоят касаба уюшмалари шаънига билдирилган ана шундай ташаккурномалардан бирини келтирамиз:

«Мен хизмат вазифамни бажариш чоғида жароҳатланганим боис, соғлиғимни йўқотган эдим. Натижада иқтисодий жиҳатдан анча қийналиб қолдим. Қумқўрғон тумани халқ таълими бўлимига ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Аммо у эътиборга олинмади.

Кейин касаба уюшмаларидан кўмак сўрашга қарор қилдим. Мурожаатим тез фурсатда кўриб чиқилди. Энг муҳими, ижобий ҳал этилди: хизмат вазифамни бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланганим боис менга14 миллион 651 минг сўмдан ортиқ зарар ундириб берилди.

Дардимга бефарқ бўлмай, беминнат ёрдамини аямагани учун ушбу инсонпарвар ташкилотдан бир умр миннатдорман. Касаба уюшмалари вакилларига чин кўнгилдан ўз ташаккурларимни изҳор қиламан.

Қумқўрғон туманидан Эргаш Хуррамов».

Бу каби ташаккурлар битилган дилномаларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Уларда фаолиятимизнинг бош мезони бўлган – ишчи-ходимларга эътибор ва ғамхўрликка муносабат акс этади.

Бундан кейинги ишимизда ҳам шу мақсад устувор бўлиб қолади. Зеро, ҳар бир ишчи-ходим, ҳар бир инсон касаба уюшмалари тимсолида ўзининг суянган тоғи, эркин ишлаш кафолатлари, ҳақ-ҳуқуқларининг мустаҳкам ишончли ҳимоячисини кўрмоғи лозим. Биз меҳнат қилаётган қутлуғ даргоҳдан ҳеч ким ҳеч қачон ноумид ва норизо бўлиб кетмасин.

Тошкент шаҳри

Спорт

Таътил чоғидаги беллашув

Юртимизда аномал совуқ ҳукм сураётган бир пайтда Учтепа туманидаги 197-мактабда «Қувноқ стартлар» спорт мусобақаси ўтказилди. Муассаса маъмурияти ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилган бу тадбирга жамоадаги барча ўқитувчилар иштирок этиши мумкинлиги эълон қилинди. Пировардида улардан 24 нафари мусобақада қатнашиш истагини билдирди ва икки жамоага бўлинган ҳолда ўзаро куч синашдилар.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган мусобақа ҳаммага яхши кайфият улашди. Иштирокчиларга мактаб касаба уюшмасининг эсдалик совғалари топширилди.

– Биз таълим муассасаларида ўқиш бир муддат ортга сурилган пайтларда соғлиғимизни янада мустаҳкамлаб олиш ва кайфиятимизни кўтариш имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилдик ва бунга эришдик, – дейди жисмоний тарбия ўқитувчиси Фаррухжон Турсунов. – Келгусида ҳам бундай тадбирларни давом эттириш ижобий натижаларини беришига ишончимиз комил.

Маъмура МАҲКАМОВА,
Тошкент шаҳридаги
197-мактаб ўқитувчиси

Тошкент вилояти

Ўқув-семинар

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

комбинат ишчи-ходимлари ҳаётида қандай акс этади?

Ушбу саволга «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ ходимлари касаба уюшмаси фаоллари иштирокида ўтган ўқув-семинарда жавоб берилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг юридик бўлими мудири Ҳамидулла Примқулов, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуджон Исаев, комбинат масъуллари, барча цехлар касаба уюшма қўмитаси раислари, касаба уюшма фаоллари ва ишчи-ходимлар қатнашган тадбирда жорий йилнинг 30 апрелидан кучга кирадиган янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ҳақида маълумот берилиб, ўзгаришларга алоҳида тўхталинди.

Хусусан, Меҳнат кодексига масофадан туриб ишловчи ходимларнинг меҳнатини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида бир қанча моддалар киритилган. Ходимнинг пенсия ёшига етганлиги муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш асоси чиқариб ташланган. Ҳолбуки, амалдаги кодексда ходим пенсия ёшига етса, иш берувчи у билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли эди. Бугина эмас, айрим тоифадаги ходимлар учун синов муддати 3 ойдан 6 ойга узайтирилмоқда.

Яна бир аҳамиятли жиҳат, бу ходимларнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилишга бағишланган нормалар киритилганлигидир. Шунингдек, касаба уюшмаси 10 кун муддат ичида иш берувчи тақдимномасига ёзма равишда жавоб бермаса, иш берувчи касаба уюшмаси розилигисиз ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўляпти.

Ўқув-семинарда Меҳнат кодексига киритилган бу каби кўплаб ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда жамоа шартномаларини ҳам янгилаш лозимлиги айтиб ўтилди.

– Комбинат жамоа шартномаси муддати тугаш арафасида. Биз шу йилнинг 30 апрелидан янги жамоа шартномасини қабул қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Ишчи-ходимлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши англаб етишлари учун ташкил этилган ушбу тадбир бу йўлда дастуриламал бўлиши аниқ, – дейди ОКМК ходимлари касаба уюшмаси кенгаши раиси Абдурашид Ҳайдаров.

Тадбирда мавзуга оид саволларга атрофлича жавоб берилди.

Феруза БОЗОРОВА,
«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» АЖ ходимлари касаба уюшмаси ижтимоий ҳимоя бўйича мутахассиси

Ёлланма ишчи ким?

САВОЛ: *Кўпчилик юртдошларимиз қурилиш, савдо объектлари, хизмат кўрсатиш масканларида ёлланма ишчи бўлиб ишлайди. Меҳнат дафтарчаси очилмаган, улар билан ҳеч қандай меҳнат битими ҳам йўқ. Маошни оғзаки келишув асосида олишади. Бирортасига кор-ҳол бўлиб, яъни кўнгилсиз ҳодиса юз бериб, жабрланди, дейлик. Бундай ҳолатда иш берувчи даволаниши учун ёки бошқа масалаларда ёрдам кўрсатмаса, у кимдан мадад кутади? Умуман, ёлланма ишчи ким? Қонунчилигимизда унинг қандай ҳуқуқлари бор?*

Обид ҚАРШИБОЕВ

Пайариқ тумани

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг меҳнатга оид қонун ҳужжатларида «ёлланма ишчи» тушунчаси мавжуд эмас.

Жисмоний шахслар билан иш берувчи (корхона, ташкилот) ўртасида оғзаки тарздаги келишув асосида меҳнат муносабатларига киришиш ҳам амалдаги қонунларда кўзда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси талабларига мувофиқ жисмоний шахслар иш берувчи (корхона, ташкилот) билан ёзма равишда **тузилган меҳнат шартномаси ва ишга қабул қилиш тўғрисида чиқарилган буйруқ** асосидагина ишга қабул қилинишлари мумкин.

Меҳнат шартномаси муайян муддатга ёки муддатсиз, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай ёки вақтбай шакллари кўзда тутилган ҳолда тузилади.

Бундан ташқари, жисмоний шахслар иш берувчи (корхона, ташкилот) томонидан фуқаролик-ҳуқуқий тартибда, яъни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида кўзда тутилган **ҳақ эвазига хизматлар кўрсатиш ҳақида тузилган шартномалар асосида** ҳам муайян меҳнатга жалб қилинишлари мумкин.

Бундай шартномаларга мувофиқ жисмоний шахс ўзаро келишув асосида муайян ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) мажбуриятини, иш берувчи (буюртмачи) эса бу ишлар (кўрсатилган хизматлар) эвазига шартномада кўзда тутилган ҳақни тўлаб беради.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак ва бундай шароитларни яратиш иш берувчининг мажбуриятига киради.

Демак, **ҳар қандай ҳолатда ҳам меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик ва гигиена талабларига риоя этилиши учун жавобгарлик иш берувчининг зиммасида** бўлади.

Шунингдек, амалдаги меҳнат қонунчилигида ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимга етказилган зарарни (ходим меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки у ўз меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши) иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлаб бериши шартлиги белгилаб қўйилган.

Ушбу зарарни ихтиёрий равишда ёки ўзаро келишув бўйича тўлаб бериш иш берувчи томонидан рад этилган тақдирда ходим зарарни суд тартибида ундириш юзасидан тегишли судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Андижон вилояти

Фаолият

Одам тафтини одам олади

Алишер Абдуллаев узоқ йиллар солиқ соҳасида ишлаган. Ҳозир 1-гуруҳ ногирони. Яқинда Андижон вилояти давлат солиқ хизмати бирлашган касаба уюшма қўмитаси бошчилигидаги бир гуруҳ ҳамкасблари уни йўқлаб келишди. Бу ташриф унинг хонадонига янада файз киритди. Бир пиёла чой устидаги дийдорлашув чоғи мезбоннинг кайфияти кўтарилиб, хасталигини унутгандай бўлди.

– Узоқ йиллар шу тизимда фаолият юритиб, пенсияга чиққан фахрийлар ҳамда вафот этган ҳамкасбларимизнинг оила аъзолари ҳол-аҳволидан доимо хабар олиб туриш бизда хайрли анъанага айланган, – дейди ушбу қўмита раиси Пайзулло Жалолов. – Қолаверса, хизмат қилаётган ходимларимизга ҳам яхши-ёмон кунларида ҳамиша елкадошмиз. Уларнинг катта-кичик ташвишларини ўз муаммоимиздек қабул қилиб, ижобий ҳал этиш чораларини кўрамиз. Шунинг учун ҳам уюшмамизга «Ҳеч бир киши норози бўлиб кетмайдиган даргоҳ» дея таъриф беришган.

Дарҳақиқат, қўмита томонидан сўнгги пайтларда тизимда ишлаётган 870 нафар ходимни ижтимоий-иқтисодий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида талай ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, улардан 42 нафари «Хумсон» санаторийсида соғлиғини тиклаб қайтди, 52 нафари эса Самарқанд ва Тошкент шаҳарларига саёҳатга юборилди. Булар жамоа шартномалари ва келишувлари орқали касаба уюшмалари ҳамда иш берувчилар маблағлари ҳисобидан ташкил этилди. Шунингдек, ходимларнинг 1200 нафар фарзанди учун вилоят қўғирчоқ театрида байрам тантаналари уюштирилиб, совғалар тарқатилди.

Умуман олганда, ўтган йили спорт, маданий-оммавий ва байрам тадбирлари учун 297 миллион 975,5 минг сўм сарфланди. Санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш, болаларнинг ёзги оромгоҳларда дам олишларини ташкиллаштиришга 32 миллион 100 минг сўмга яқин маблағ ажратилди. 49 нафар ходимга эса моддий ёрдам тариқасида жами 28 миллион 820 минг сўм берилди.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

Билиб қўйган яхши

Эпидемия мавсуми:

УНИ ГРИППДАН ҚАНДАЙ ФАРҚЛАШ МУМКИН?

Ҳозир дунёнинг қатор давлатларида коронавирус пандемиясининг янги тўлқини билан бирга, грипп ва ЎРВИ эпидемияси ҳам кузатилмоқда. Бироқ шамоллаш билан боғлиқ бу хасталиклар белгилари аксарият ҳолларда «омикрон» штамми аломатлари билан деярли бир хил намоён бўляпти. Хўш, тиббий таҳлилларсиз ушбу касалликларни бир-биридан қандай фарқлаш мумкин?

ЎХШАШ ВА АЙРИ АЛОМАТЛАР БОР!

– Коронавирус касаллигига хос айрим белгилар шамоллаш ва грипп симптомларига жуда ўхшаш, **– дейди Зангиота 1-сонли юқумли касалликлар шифохонаси директори ўринбосари Ҳилола Алимова.** – Тана ҳарорати кўтарилиши, умумий ҳолсизлик, иштаҳа йўқолиши, бош, томоқ ва мушакларда оғриқлар шулар жумласидандир.

Шунга қарамай, уларни ўзаро ажратиб турувчи ҳолатлар бор. Хусусан, грипп вирусининг инкубация даври анча қисқа – 1-2 кунни ташкил этади. «Омикрон»нинг яширин муддати эса узоқроқ – 4-6 кун давом этади. Демак, гриппга чалинган бемор билан мулоқотдан бир кун ўтиб, бетоб бўлиб қолсангиз, сизга ҳам мазкур инфекция юққанининг эҳтимоли юқори.

Қолаверса, одатий грипп кўпинча мушак, бўғим ва суяклар ҳамда бош оғриғини келтириб чиқаради. Бурун оқиши ва 37 даража атрофидаги иситма эса бошқа ўткир респиратор вирусли инфекцияларга хос.

Коронавирус натижасида овқат ҳазм қилиш тизими фаолияти бузилиши мумкин. ЎРВИда эса бундай ҳолат кам кузатилади.

COVID-19нинг ўрта ва оғир босқичларида касалликнинг бешинчи-еттинчи кунларига келиб, тана ҳарорати 38-39 даражадан ошиши, нафас етишмовчилиги, ҳансираш пайдо бўлиши мумкин. Оддий шамоллаш ва гриппда эса, аксинча, хасталик бошлангандан 3-4 кун ўтгач, беморнинг аҳволи яхшилана бошлайди.

Юқоридаги ҳолатлар кузатилган беморлар, албатта, шифокор қабулига боришлари шарт. Аниқ ташхис қўйиш учун эпидемиологик анамнез, ПЗР-тест ва бошқа тиббий таҳлиллар натижалари талаб этилади. Шунга кўра, мутахассис томонидан тегишли муолажалар буюрилади.

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ДАВОЛАНИШ ОҒИР АСОРАТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ



– Ҳар икки касалликнинг хавфли жиҳатлари бор, – дейди Зангиота 1-сонли юқумли касалликлар шифохонаси директори Анвар Ҳусанов. – Уларнинг оғир асоратлари кўпроқ ўзбошимчалик билан даволанган, шифокор тавсиясисиз, устига-устак, пала-партиш равишда турли препаратларни қабул қилган ёхуд хасталикни ўтказиб юборган кишиларда кузатилади.

Бундай вазиятда энг самарали муолажа, аввало, тўғри ташхисдан бошланади. Хусусан, коронавирусни фақат ПЗР-тест ёки лаборатор таҳлиллар орқали аниқлаш мумкин. Бунинг учун бемор, зудлик билан ўз ҳудудидаги оилавий поликлиника ва оилавий шифокор пунктига мурожаат қилиши лозим.

Тегишли текширув натижаларига кўра, мутахассис томонидан хасталикнинг оғирлик даражаси ва беморнинг аҳволига кўра, стационар ёки амбулатор муолажалар белгиланиши мумкин.

COVID-19нинг симптомсиз кечаётган ва енгил даражасида уй шароитида даволанишга рухсат берилади. Гриппнинг оғир бўлмаган босқичларида ҳам муолажа чоралари деярли бир хил: ётоқ режими, кўпроқ суюқлик ичиш, ҳарорат 38 даражадан ошганда ва бош оғриганда иситма туширувчи ҳамда оғриқ қолдирувчи дорилар қабул қилиш талаб этилади.

Уй шароитидаги муолажалар камида бир ҳафта давом этиши керак. Бунда турли витаминларни қабул қилиб, соғлом турмуш тарзи ва тўғри овқатланиш қоидаларига риоя қилиш, иммун тизимини кучайтириш касалликни тез ва осон енгишда муҳим омил саналади.

Унутмайлик, антибиотиклар нафақат коронавирус, балки гриппни ҳам даволамайди. Чунки бундай препаратлар – бактерияларга қарши восита, вирусга таъсир этмагани етмаганидек, унинг тарқалишига шароит яратиб бериши мумкин.

Қолаверса, антибиотикларни ўзбошимчалик билан, рецептсиз ва тартибсиз қабул қилиш турли аъзолар фаолиятини издан чиқариши ва ҳатто беморлар ўлимига сабаб бўлиши мумкин.

Шу боис, энг аввало, профилактик чораларга амал қилиб, барча аҳоли қатлами тўлиқ босқичда ва бустер дозада вакцина олиши зарур. Буни олимларнинг қуйидаги тадқиқотлари ҳам тасдиқлайди.

ГИБРИД ИММУНИТЕТГА ЭГА КИШИЛАР ЭМЛАНМАГАНЛАРГА НИСБАТАН КОРОНАВИРУСГА 95 ФОИЗ КАМ ЧАЛИНАДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хулосасига кўра, COVID-19дан тузалганлар ва яқин ойларда унга қарши эмланганларнинг вакцина олмаган ҳамда хасталикка чалинмаган аҳоли қатламига нисбатан коронавирусни юқтириш хавфи жуда паст.

Бу борада ўтказилган 26 та тадқиқотда тасдиқланишича, гибрид иммунитет одамларни инфекциядан юқори даражада ҳимоялайди. Ҳатто вакцина олганидан сўнг ҳам COVID-19га чалинганлар бўлса, уларда хасталик енгил босқичда ва асоратсиз ўтади. Хусусан, гибрид иммунитетга эга бўлганларга касаллик юқиши эҳтимоли эмланмаган ва хасталикка чалинмаганларга нисбатан камида 95 фоиз паст бўлади.

Шу сабабли мутахассислар барча аҳоли қатламига тўлиқ босқичда ва бустер дозада вакцина олиши керак, деб ҳисоблайди.

Эслатиб ўтамиз, ЖССТ ҳисоб-китобларига кўра, пандемия бошланганидан шу кунгача 668 миллион нафардан ортиқ кишига коронавирус ташхиси қўйилди. Улардан 6,8 миллион нафари хасталик оқибатида ҳаётдан кўз юмди.

Аслиддин БЎРИЕВ,
журналист

Долзарб мавзу

«Қавармаган қўллар» учун...

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, айнан коррупция туфайли дунё иқтисодиёти ҳар йили 2,6 триллион доллар миқдорида зарар кўрмоқда. Бу жаҳон ялпи маҳсулотининг тахминан 5 фоизини ташкил этади. Шунингдек, жаҳон бўйича «қавармаган қўллар»га 1 триллион доллар пора берилар экан.

Амалдорларга пора бериш ҳатто милоддан 2400 йил илгари ҳам «кенг» тарқалган экан. Ўшанда ҳозирги Ироқ ҳудудидаги Лашур шоҳи порахўрларни шафқатсиз жазолашига қарамасдан, ана шундай ҳолатлар давом этиб келган. Ҳиндистонда эса милоддан тўрт аср муқаддам коррупция қораланган «Артха-шастра» трактати чоп этилган.

Коррупция ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётига ниҳоятда жиддий салбий таъсир кўрсатади. У қонун устуворлигига, фуқароларнинг ижтимоий адолатга, ҳақиқатга ва давлат органларига бўлган ишончга путур етказади. Жиноятчиликнинг ушбу тури мамлакатнинг халқаро майдондаги обрўсига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ижтимоий иллат ҳисобланадиган ва тараққиёт кушандаси бўлган коррупцияга чек қўйиш деярли барча мамлакатлар каби Ўзбекистон учун ҳам ниҳоятда долзарб масала.

Мамлакатимизда коррупцияга оид жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 2021 йилда 1 триллион 282 миллиард сўмлик моддий зарар етказилган. 2022 йилнинг ўн ойи давомида эса давлат харидларини амалга оширишда 356,8 миллиард сўмлик қонун бузилишлари аниқланган. 2020 йилда республика бўйича 1 148 та коррупцияга оид жиноят ишлари судга юборилган бўлса, 2021 йилда бу рақам 3769 тани ташкил этган.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда ва порахўрлар фош қилинмоқда. Бу халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. 1995 йилдан бери фаолият юритиб келаётган халқаро ташкилот «Transparency International» рейтингида Ўзбекистон жаҳондаги 180 мамлакат орасида 140-ўринни эгаллаб турибди. Бу ўринда мамлакатимиз «Transparency international» рейтингида 2020 йилда 2019 йилдагига нисбатан 7 поғонага, 2021 йилда эса 6 поғонага кўтарилганини таъкидлаш ўринлидир.

Жаҳонда коррупцияга қарши самарали кураш олиб бораётган давлатлар кўп. Бу борада биринчи навбатда Дания тажрибаси тилга олинади. Ушбу мамлакат «Transparency International» рейтингида мунтазам равишда биринчи ўринни эгаллаб келмоқда.

Данияда ана шу иллатга қарши курашдаги муваффақиятлар нафақат давлат томонидан кўрилаётган кенг кўламли чоралар натижалари, шу билан бирга, фуқароларнинг бундай қонунбузарликка нисбатан оммавий нафрати ва тоқатсизлиги билан ҳам изоҳланади. Шу сабабли Данияда коррупция Европадаги бошқа мамлакатларга нисбатан саккиз баробар кам.

Ушбу давлатнинг коррупцияга қарши қонунлари 20 тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қамраб олган. Мазкур ҳуқуқий асосларга мувофиқ, мамлакат парламенти ҳар бир вазирнинг фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумот олиш ҳуқуқига эга. Вазирлар мунтазам равишда парламент аъзолари олдида ана шу масала бўйича ҳисоб беришлари шарт.

Шу ўринда Данияда давлат хизматчилари юқори даражада ижтимоий имтиёзлар ва қонуний ҳимояга эга эканини ҳам таъкидлаш керак. Улар бепул тиббий хизматлардан фойдаланишади, таълим олишлари ҳам бепул, шунингдек, бошқа қатор муҳим ижтимоий кафолатларга эга. Ушбу имтиёзлар ва манфаатлар уларнинг коррупцияга мутлақо қўл урмасликлари кафолати ҳисобланади.

Мамлакатдаги компаниялар «коррупцияга мутлақ тоқатсизлик» сиёсатига амал қилишади. Яъни улар ўз фаолиятларида пора олишга асло йўл қўймаслик мажбуриятини олганлар. Фуқаролар эса ишга қабул қилинаётганда пора бермаслик ва олмаслик тўғрисида махсус шартномани имзолашлари шарт. Буни инкор этувчилар ишга қабул қилинмайди, имзоланган шартномаларга амал қилмаганлар дарҳол ишдан бўшатилади. Уларнинг шахсий ҳужжатларида коррупцияга алоқадорлиги албатта белгилаб қўйилади. Дания ҳукумати мансабдорлари эса қонунчиликка мувофиқ, ҳар йили ўзларининг мулклари ва шахсий даромадлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилишга мажбур.

Ана шундай қатъий чоралар туфайли мамлакатда порахўрликка деярли тўла барҳам берилмоқда. Хусусан, ижтимоий сўровлар данияликларнинг фақат 3 фоизигина кундалик ҳаётда коррупцияга дуч келганини, 1 фоизигина пора олгани ёки беришга мажбур бўлганини эътироф этишган.

Ўзбекистон 2008 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенциясига қўшилган ва уни ратификация қилган. Мамлакатимизда ҳам коррупцияга барҳам беришнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилган. 2016 йилда «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун, 2021 йилда эса Президентнинг «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинган. Ана шу фармонда Данияда амал қилинадигандек, давлат бошқарувини коррупциядан холи соҳага айлантириш, давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкини мажбурий декларация қилиш тизимини жорий этиш, давлат хизматчиларига республика ҳудудидан ташқарида ҳисобрақамлар очиш ва эгалик қилиш, нақд пул маблағларини сақлаш, кўчмас ва бошқа мол-мулкка эга бўлиш тақиқланиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда илк бор 2020 йилда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда махсус ваколатли давлат органи – Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Агентликка қўшимча – давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш, давлат бошқарувини коррупциядан холи соҳага айлантириш, коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестрини юритиш ваколатлари берилди.

Реестрга киритилган шахсларга давлат хизматига кириш ва давлат мукофотлари билан тақдирланиш, сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзодларини кўрсатиш, давлат активларини хусусийлаштириш билан боғлиқ тендер ва танлов савдоларида иштирок этиш; давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар ҳамда давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиш ман этилади. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, давлат унитар корхоналари ва муассасалари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотларнинг фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий баҳолаш тартиби белгиланди.

Коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган соҳалар ва тармоқлар ҳисобланадиган капитал қурилиш, олий таълим, соғлиқни сақлаш, банк ва давлат харидлари тизимларида «коррупциясиз соҳа», Фарғона вилоятида «Шаффоф ҳудуд» каби лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Давлат хизматчиси томонидан декларацияни тақдим этишдан бош тортиш ва қасддан нотўғри маълумотларни киритиш уни давлат хизматидан четлаштиришга ва қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олишда барча давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида тўла шаффофликни таъминлаш ниҳоятда муҳимдир. Шу билан бирга, ушбу иллат билан курашишда тегишли тарзида давлат органлари билан бирга фуқаролик жамияти институтлари, кенг жамоатчилик тарзида фаоллик кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир. Ана шундагина юртимизда коррупцияга мутлақо тоқатсизлик муҳитини шакллантиришга эриша оламиз.

Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Ҳикмат

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,
То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,
То зулму ситам жониға бедод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Алишер НАВОИЙ

Хоразм вилояти

Ижтимоий ҳимоя

Қонунчилигимизга кўра, давлат фуқаролик хизматчиси зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг ўзига хос хусусияти ва мураккаблигига, бажарилган ишларнинг миқдори ҳамда сифатига мувофиқ вақтида ва тўлиқ ҳажмда иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга.

Кўп нарса ёндашувга боғлиқ

Улар учун беш кунлик иш ҳафтаси белгиланган бўлиб, иш вақтининг давомийлиги ҳафтасига қирқ соатдан ошмаслиги керак. Уч ёшга тўлмаган болалари бор давлат фуқаролик хизматчилари бўлган ота-оналардан бирига (ота-онанинг ўрнини босувчи шахсга) ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган иш вақти давомийлиги белгиланган.

Ушбу меъёрлар давлат хизматчиси учун муҳим аҳамиятга эга. Иш вақтидан ташқари ҳамда дам олиш кунлари ва ишланмайдиган байрам кунлари ишларга жалб этиш эса меҳнат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилган ҳолда, давлат органи раҳбарининг қарори асосида амалга оширилади. Ва иш вақтидан ташқари ишлаб берилган соатларига камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади ёки ортиқча ишлаган вақтининг давомийлигига мос бўлган қўшимча дам олиш вақти берилади.

Қолаверса, давлат фуқаролик хизматчисига лавозим маошига қўшимча устамалар; пул мукофоти; навбатдан ташқари малака даражасини бериш; миннатдорлик эълон қилиш; қимматбаҳо совға, эсдалик ёки кўкрак нишони ёхуд ёрлиқ билан мукофотлаш каби рағбатлантиришлар жорий қилингани ҳам ходимни ўз вазифасига ўзгача руҳда ёндашишга ундайди.

Давлат фуқаролик хизматчисини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш меҳнат таътили ва ижтимоий таътиллар бериш; ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурта қилиш; ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш давлат пенсия таъминоти орқали амалга оширилади.

Ротация тартибида бошқа давлат фуқаролик хизмати лавозимига ўтказилиши билан боғлиқ харажатларнинг, шу жумладан, яшаш ва транспорт харажатларининг ўрни қопланади.

Табиийки, ижтимоий ҳимояланган давлат хизматчиси ўз вазифасини сидқидилдан бажаради. Шу боис ҳам бугунги кунда давлатимиз томонидан хизматчиларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда. Малака ошириш имкониятлари кенгаймоқда. Миллий кадрлар захирасига олинган номзодларнинг билим ва кўникмалари оширилмоқда. Меҳнатларига муносиб ҳақ тўланмоқда. Иш шароитлари яхшиланмоқда. Мана, ўзимдан қиёс: ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ташкил қилинган малака ошириш курсларида қатнашдим. Ўтказилган семинар-тренингларда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган вазирлар, етук олимлар томонидан тингловчиларга ҳам назарий, ҳам интерактив усулда билим ва кўникмалар берилди. Янги ғояларга эга бўлдик. Давлат ва халқ хизматида бўлиш масъулиятини янада чуқурроқ ҳис қилдик.

Камолжон БЕКЧАНОВ,
Шовот тумани ҳокимининг «Янги бурлоқ» маҳалласидаги ёрдамчиси

Эълон

«KAFIL-SUG'URTA» АЖ суғурта компаниясининг «Kafil-Sardor» филиали томонидан 13.09.2022 йилда №04-02-12/442-сонли шартнома асосида берилган №981241-сонли суғурта полиси ҳамда 15.08.2022 йилда №04-02-12/404 сонли шартнома асосида берилган №979145 сонли суғурта полислари йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тафаккурга ундайдиган ТЕЛЕКАНАЛ

MADANIYAT VA MA’RIFAT

Жараён

ҚАТОР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТОМОШАБИНЛАРНИНГ ОРТИДАН ЮГУРАЁТГАН БИР ПАЙТДА «МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ТЕЛЕКАНАЛИ ЎЗ АУДИТОРИЯСИНИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРЯПТИ?

Зиёли қатлам вакиллари, яъни санъат дарғалари, олимлар, адабиётшунослар, шоиру ёзувчилар ва рассомлар ўз ижоди, асарлари ҳамда намунали ҳаёт йўли билан ҳамиша халққа маърифат ва маънавият улашиб келган. Миллат устунлари ҳақидаги қатор теледастурлари билан одамларни, томошабинларни илм-маърифат ва санъатга ошно этиб келаётган «Маданият ва маърифат» телеканали бугун салоҳиятли аудиторияга эга.

Глобаллашув даврида одамлар маърифатдан кўра, шоу-бизнес, пул ортидан қуваяпти. Миллий қадрият, маънавий бойлик каби тушунчалар чеккага суриляпти. Мана шундай даврда илм-фан, адабиёт, санъатни бирлаштирадиган, одамлар қалбини маърифат зиёсига тўлдирадиган восита жуда-жуда зарур. Давлатимизнинг мақсад-маслаги шу, хусусан, телеканалнинг ҳам.

Бугун одамлар кўнгилочар томошаларга, енгил-елпи кўрсатувларга ўч бўлиб боряпти. Улар Гулмира Мусажонованинг «Мен билган ҳақиқатлар» дастурида берилаётган Иброҳим Ғафуров, Иброҳим Ҳаққул, Эркин Аъзам, Қозоқбой Йўлдош каби зиёлиларнинг суҳбатларини эмас, қайсидир актрисанинг ҳаётини муҳокама қилишади. Уларга миллат фожиаси, дарди ҳақидаги фикрлар эмас, қайсидир блогернинг интернетдаги аҳмоқона қиликлари қизиқроқ.

Кузатишларимизга кўра, бугунги ахборот ва интернет асрида одамлар маърифат ва маънавият туйғусидан, уларни тарғиб этадиган телерадиоканаллар, босма нашрлардан анча узоқлашиб кетганига яна бир бор амин бўлдик.

– Бугун ОАВнинг асосий вазифаси – жамиятда соғлом, тўғри фикрни шакллантириш. Чунки фикр билан жамият ҳаракатга келади, тўғри фикрлаш орқали жамият шаклланади, ривожланади, – **дейди «Маданият ва маърифат» телеканали раҳбари Воҳид Луқмон.** – *Мисол учун, «Биргаликда кўрамиз», «Биргаликда ўқиймиз» номли кўрсатувларнинг ғояси айнан шу масалаларга қаратилган. Бугунги томошабин турк сериаллари орқасидан кетаётган вақтда биз муаллифлик фильмлари, дунё киноматографиясидаги дурдона асарларни таҳлил қилиб беряпмиз. Кўрсатув орқали кимдир ҳаёт йўлини таҳлил этса, тўғри хулоса чиқарса, шу бизнинг ютуғимиз бўлади. «Биргаликда ўқиймиз» дастури орқали кимдир қайсидир асарга меҳр қўйса ва уни мутолаа қилса, мақсадга эришган бўламиз.*

Яна бир лойиҳамиз «Очиқ намойиш» теледастури бўлиб, у театрларнинг янги спектакль намойиши таҳлилига бағишланган. Бу кўрсатувнинг ҳам бугун ўзига яраша мухлислари бор. Ижодий гуруҳ бутун республика бўйлаб тақдимотларда қатнашиб, асарларни таҳлил этади. Ўйлаймизки, бу дастур бутун умрини театрга, санъатга бағишлаган инсонлар, санъатга ошуфта қалблар учун қадрли, албатта. Канал халқимизнинг театрга бўлган муҳаббатини янада ошириш учун ҳам ишлаяпти.

«Уйга қайтиб» лойиҳасида кўрсатув қаҳрамони билан пойтахтдан у туғилиб ўсган масканга қадар бирга бориб, унинг мулоҳазалари, ҳаётий қарашлари ва ижоди билан ўртоқлашилади. Кўрсатувнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шуки, маънавиятимизнинг буюк намояндаларининг бир умр тасмага муҳрланишидир. Пандемия вақтида бир қанча улуғларимиз бизни тарк этишди, бугун улар ана шу дастурлар орқали кўз олдимизда гавдаланишади. Улар шу кўрсатувларда, санъат шайдоларининг қалбида яшаяпти.

Албатта, бугун эл севиб кўраётган «Дўстлар даврасида», «Қақнус», «Билим доирасида», «Сиз эфирдасиз» каби қатор теледастурларни ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Улар бизнинг мухлислар томон ташлаётган катта қадамларимиздир.

ТЕЛЕКАНАЛЛАР ИНТЕРНЕТГА КЎЧИШИ КЕРАК

– Бугун замон ўзгарди, медия тармоқлар ривожланди. Телевидение ҳам интернетга кўчиши керак. Аудитория биздан тобора узоқлашиб бормоқда. Энди ўзимиз уларга етиб олишимиз керак. Шундан кейингина одамларни ортимиздан эргаштириб, маънавиятни, маърифатни янада кучайтира оламиз, – **дейди Кино-видеомаҳсулотлар ва тезкор дубляж муҳарририяти бош муҳаррири Ғайрат Саъдуллаев.** – *Интернет тармоқларини блогерлар, вайнчилар, тик-токерлар ва уларнинг енгил-елпи ижод маҳсулотлари эгаллаб олган. Бу жуда катта кўпкари майдонига ўхшайди. Биз унинг атрофида шунчаки айланиб юрибмиз. Ўзимизнинг салоҳиятимиз, маърифатни тарғиб этишга қаратилган вазни бор маҳсулотларимиз билан ана шу майдонга ёриб киришимиз зарур. Бунинг учун бизга замонавий техника ва IT соҳасини мукаммал билган мутахассислар керак. Замонавий телевидение қандай бўлиши кераклиги бизни ҳам ташвишлантиради. Имкон қадар ҳаракатдамиз.*

ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

Телеканал бу йилни катта қадамлар билан бошлади. Ижодкорлар томошабинларга маънавий завқ берадиган дастурларни йил давомида тақдим этиб боришади. Яқин кунларда Назар Эшонқул билан ҳамкорликда тайёрланган «Фикрлаётган одам» дастурининг илк сони эфирга узатилди. Дастур ғояси Назар Эшонқулнинг юзга яқин дунёга машҳур ижодкорларнинг ижод фалсафасини жамлаган «Мендан менгача» китоби асосида қурилган. Кўрсатувда жамиятда фикрнинг ўрни, аҳамияти ҳақида сўз боради.

«Отасининг қизи». Бу яна бир қизиқарли лойиҳанинг номи. Нозима Воҳидованинг ушбу дастури фан-таълим, санъат арбобларининг изидан бораётган қизлари ҳақида. Кўрсатувда оталарининг касбини, соҳасини давом эттираётган аёл-қизларнинг ҳаёт ва ижод йўли ёритиб борилади.

Гулмира Мусажонованинг «Миллат» кўрсатувида Ўрхун Энасой битикларидан бошлаб, шу давргача бўлган миллат тарихидаги воқеалар, миллат фахри бўлган шахслар ҳақида ҳикоя қилинади. Унинг биринчи сони Туркистон мухториятига бағишланибди. Муҳим жиҳати, унда жадидлар фаолияти чуқур таҳлил этилади.

Ҳар ким телеканалларни турли сабаб билан кузатади: кимдир вақт ўтказиш, кимдир атрофдаги воқеа-жараёнлардан хабардор бўлиш, бошқа биров нимадир олиш учун. «Маданият ва маърифат» телеканали эса аудиторияни шунчаки ушлаб туриш учун эмас, уларга эстетик завқ улашиш, маънавий озуқа бериш, шу билан бирга миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини кучайтириш учун ҳам хизмат қилади.

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА
«ISHONCH»

Соғинтирган сувли қор

Ҳаёт манзаралари

2023 ЙИЛ 10 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА. ШУ КУНИ ТОШКЕНТДА ОППОҚ ТОНГ ОТДИ. ҚАЛИН ЁҚҚАН ҚОР КЎНГИЛЛАРГА ОРОМ БЕРДИ. АЖИБ ГАШТ, АЖИБ СУРУР. БОЛАЖОНЛАР СУЮНИБ ҚОР КЕЧИШДИ, ҚОР ЎЙНАШДИ. СИРПАНСА ҲАМ, ЙИҚИЛСА ҲАМ ШОДУ ШОДМОН БЎЛИБ, ҚУВНАШДИ, ЯЙРАШДИ. ҚАНЧАЛАР ИНТИҚ КУТИЛГАН ҚОР! ҚАЧОНЛАРДАН БЕРИ СОҒИНТИРГАН СУВЛИ ҚОР!.. ҚОРЛИ МАНЗАРАЛАРГА ТЕРМУЛТИРГАН ХАЁЛ МЕНИ БЕИХТИЁР ҚИШЛОҚҚА, БОЛАЛИККА БОШЛАБ КЕТДИ...

Бундан 50-60 йиллар бурун айнан шу дамларда аксар болалар томдаги, йўлдаги ёки йўлакдаги қорни курарди. Совуқдан қизарган қўллар уҳ-уҳлаб иситилар, оёқлар гурс-гурс ер тепилиб, ёзилар эди. Сўнгра апил-тапил мактабга шошилар ва синфга кирилгач, хонани илитиб турган кўмир печ атрофидан талашиб, жой олинарди.

У пайтларда қор кўп ёғарди. Катта-катта, бўлиқ қор ёғарди.

Мактабдан кейин музда училар, уст-бош жиққа ҳўл бўлиб уйга борилар, уйда эса «тарбиявий соат» бошланарди. Аммо эртаси куни яна ҳеч нарса кўрмагандай, эшитмагандай ўша ҳолат такрорланаверарди. Йўқ, болалар бебошлик қилмасди, улар болалик қилишарди. Қизиқ, ўша вақтларда ҳеч ким шамолламас, касаллиги сабабли мактабга келолмайдиганлар йўқ ҳисоби эди.

* * *

Ер ҳам, эл ҳам қорни соғинади. Боболаримиз қорни кўрпага менгзашар эди. Ҳар фаслнинг ўз зийнати бор. «Қиш қишлигини, эр эрлигини қилсин», деб бекор айтилмаган.

Илгари қаттиқ қишлар кўп бўларди. Улардан бири адашмасам, 1969 йилги қиш. Ўшанда анча чўзилган. Қорнинг қалинлиги 40-50 сантиметрдан кам бўлмаган. Суяқдан ўтадиган совуқ бўлган. Очликдан тоғдаги ёввойи жониворлар қишлоқларгача эниб келган...

Ўшанда Тошкентдаги Низомий номли педагогика институтининг биринчи курсида ўқирдим. Қаҳратон қишни кўра-била туриб, ҳамқишлоғим, шу институтнинг учинчи курс талабаси Эргаш Арслонов билан қишлоққа йўл олиб, поездга чиқдик.

Умумий вагонда кетиб, тонг саҳар Навоийда тушдик. Қор тизза бўйи экан. Осмон ёришган эса-да, кўчада ҳеч ким кўринмайди. Ҳаракат бошланишини кутиб, йўловчиларга мўлжалланган залда тиришиб-гина ўтирдик. У пайтлар туман маркази Нуротага автобус қатнамас эди. Амал-тақал қилиб, Қалқонотага келганимизда, иккаламиз ҳам совуқдан дириллай бошладик. Қирра бурун, шоп мўйловли чойхоначи аҳволимизни кўриб, койигандан койиб, ичкарига киритди. Қўлларимиз исигач, оёқларимизни иситиш учун пойабзалларни ечдик ва оловга тутдик.

Бироз исиниб олгач, қоринни ҳам «қаппайтирган» бўлдик ва машина пойлаш учун бийдай кўчага чиқдик. Умидимиз Ғозғондан мармартош, хўжаликларга ем ва почта ташийдиган машиналардан эди. Ем олиб келаётган машиналардан бирида хўжалик маркази Деҳибаландгача келдик. Ҳайдовчи насиҳат ва танбеҳ бериб хайрлашди, йўл ҳақини олмади.

Тушган жойимизда қор тизза бўйи экан. Пойабзалларимиз ичи қорга тўлиб, шу кўйи хўжалик гаражи қоровулхонасигача бордик. Бир уй одам соляркага мослаштирилган қўлбола печ атрофига тизилишиб, гурунглашиб ўтиришарди. Барчаси таниш. Ҳаммаси қишлоқлардан қатнаб ишловчи гараж ходимлари ва ишчилар эди. Улар ҳар куни йўлини қилиб, бирор уловда қишлоқларига қайтишар эди. Улар бизни илиқ кутиб олишди ва ҳолимизни кўриб, дарҳол иссиқ ўринлардан жой ва бир пиёладан қайноқ чой беришди.

Шу тариқа иккимиз ўн чоғлик ишчиларга қўшилиб, техникалар учун ёқилғи ташийдиган ЗИЛ машинаси устида осилиб кетадиган бўлдик. Йиқилиб кетмаслик учун юмалоқ цистернанинг музлаб ётган темир тутқичларидан маҳкам ушлаб кетиш керак. Қўлимизда бир тийинга арзимайдиган юпқагина қўлқоп. Ҳавонинг совуқлиги, машинанинг усти ноқулайлиги бир сари, намошом шамоли аъзойи баданимиздан ўтиб, тарашадек қотиб боряпмиз. Биздан ташқари, ҳамма белбоғлари билан оғиз, кўз ва қулоқларини танғиб, ўраб олган. Бизларда оддийгина шарф. Уларга тақлидан бойлаган бўлдик. Эни энига, бўйи бўйига етмай, шарфнинг оғзимизга теккан жойлари салда музлай бошлади. Йиқилиб кетмаслик учун ҳамма ўз-ўзи билан овора...

Неча соатлардир йўл юриб, Эскига келганимизда машина йўлдан чиқиб кетди. Чиқариб олингунча кўрганимизни кўрдик. 2-3 километрдан кейин машина кичик бир жарликка кириб, суяниб қолди. Айни шом. Кўп уринишди, аммо фойдаси бўлмади. Ҳайдовчи трактор ахтариб, қишлоққа тушиб кетди.

Биз, яъни етти киши пиёда йўлга тушдик. Қоронғу тушгач, чинакамига бўрон бошланди, йўлни кўриб бўлмайди. Ҳамроҳларимиз тусмоллаб йўл бошлаб боришаётир. Юзларимиз совуқдан ачишди. Чидай олмай тескарисига ҳам юриб кўрдик. Бўлмас экан, қадамда қоқилиб, йиқила бошладик. Эргаш акада ҳам, менда ҳам куч қолмаганди. Чунки оёғимиз айтган жойимизга тушмасди. Қорин очлиги, устимиз юпқалиги, пойабзалимиз ивигани таъсир ўтказа бошлаганди. Буни сезган ҳамроҳларимиздан бири – оқтепалик Тўлқин ака Мусаев уйига бошлади. Қишлоғимиз билан Оқтепа ораси олти километр, бу масофани босиб ўтишга мадоримиз қолмагани учун у кишининг ортидан жон деб эргашдик.

Тўлқин аканинг кўпни кўрган онаси бир муддат қўлларимиз ва юзларимизни қор билан ишқалашга мажбурлаб, кузатиб турди. Сўнгра уйига киритди. Иссиқ уй, таом ва чойдан баҳра олиб, бўшаша бошладик. Қалингина солинган кўрпа-тўшакка киргач, оёқларимиз вижирлаб, тирноқларимиз ости ачишаётганини сездик...

Эрталаб ташқарига чиқиб, ҳушимиз учди. Ўру чуқур бирдек теп-текис эди. Тунда бўрон бўлган экан. Қорнинг қалинлиги тиззадан юқори эди.

Қишлоққа Т-28 маркали трактор аравасига «илиниб» кириб бордик. Ота-онамиздан роса гап эшитдик. Оқ тоққа яқинлигимиздан бўлса керак, қишлоғимиз манзараси Сибирь қишига монанд эди...

Шундан кейин каникулгача қишлоққа бормадик. Ёзда келсак... Ана манзара-ю, мана манзара. Сойларда ҳар қадамда булоқ. Жилға ва ариқлар сувга тўла. Ғалла, ўт-ўлан белдан келади. Яйловларда юрган қўй ва моллар бўрдоқига боқилгандек семиз. Сут, сариёғ сероб. Мева ва сабзавотлар ғарқ пишган. Тўкинчилик...

* * *

Азизлар, бу ёққан қорда неклик нишони бор. Совуқлар ўткинчи, музлар кўчкинчидир.

Илоҳим, баҳор фасли яшнаб, барака бошлаб келсин!

Суюндик Мустафо НУРОТОЙИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Анжуман

МИЛЛАТНИНГ МАЪРИФАТПАРВАР АЛЛОМАСИ

Бу йил халқимиз тарихининг мураккаб дамларида маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 148 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Олий, фан ва инновациялар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи, Журналистлар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамкорлигида «Маҳмудхўжа Беҳбудий мероси ва жадид матбуотини ёритишнинг долзарб масалалари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Анжуманда жадидчилик илми билан шуғулланувчи хорижлик ва маҳаллий мутахассислар, профессор-ўқитувчилар, ёш олимлар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар жадидчилик нафақат юртимиз, балки Европа, ҳаттоки, Японияда ҳам ўрганилаётгани, бу ўша давр учун инсоният тарихининг муҳим бурилиш нуқталарини ўзида мужассам этган ҳаракат, тарихий жараён эканини таъкидлашди.

Буюк мутафаккирнинг илмий, ижодий, педагогик фаолияти ва мероси алоҳида аҳамиятга молик. Туркистон жадидлари раҳнамоси янги мактаб ғоясининг назариётчиси ва амалиётчиси, драматург, театршунос, ношир, журналист сифатида ҳам салмоқли фаолият олиб борди.

Беҳбудий юрт озодлигини кўзлаб, аввало, ўз салоҳиятини юксалтирди, бунинг учун муттасил ўқиди, ўрганди, давр нимани тақозо этса, шунга эришишга интилди. Буюк мутафаккирнинг ҳаёт фалсафаси ҳозир ҳам ўз долзарблиги йўқотмаган. Чунки бугунги замон, шиддат билан ўзгараётган давр ҳар биримиздан тинимсиз изланиш, илм-маърифат, таълим-тарбияга бўлган эътиборни кучайтириш, жамият тараққиётига шу тариқа ҳисса қўшишни талаб этмоқда. Зеро, Беҳбудий тили билан айтганда, «Дунёда турмоқ учун – дунёвий фан ва илм лозимдур, илм ва фандан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур».

Ўйлаймизки, халқаро миқёсдаги мазкур илмий-амалий анжуман Беҳбудий мероси ҳамда жадид матбуотини тадқиқ қилаётган хорижлик олимлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ёш олимларни қўллаб-қувватлаш, нафақат тарихимиз, балки миллатимиз, келажагимиз учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Гулюз ФАХРИДДИНОВА

Ҳикмат

Қишнинг қори – ёзга дори.
Халқ мақоли

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug’bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas‘ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas‘ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-97) 506-86-98
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-91) 406-43-24
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 889-90-32
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Haydarov

Musahhihlar:
D. Xudoyberganova, D.Ravshanova

Sahifalovchi:
H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 23:30
Topshirildi – 23:50

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Tahririyat hisobraqami:
2021 0000 0004 3052 7001, ATIB «Ipoteka bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIR: 201133889, OKED: 58130

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G-113
Nashr ko‘rsatkichi: 133

1 2 3 4 5 6

Umumiy adadi 31352
14543 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.